

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САНАҚУЛОВ АБРОР НАЗАРОВИЧ**

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК  
ФЕНОМЕНИ (ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Санакулов Аброр Назарович**

Ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик феномени  
(ижтимоий-фалсафий таҳлил) ..... 3

**Санакулов Аброр Назарович**

Феномен виртуальной реальности в информационном  
обществе (социально-философский анализ) ..... 23

**Sanaqulov Abror Nazarovich**

The phenomenon of virtual reality in an information society  
(socio-philosophical analysis) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САНАҚУЛОВ АБРОР НАЗАРОВИЧ**

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК  
ФЕНОМЕНИ (ижтимоий-фалсафий таҳлил)**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal221 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Қаҳҳорова Матлюба Манофовна</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саитқасимов Акбар Исаханович</b> фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор <b>Азизқулов Акрам Абдурахмонович</b> фалсафа фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Тошкент давлат транспорт университети</b>

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105- хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№67-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» август куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» августдаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ш.Негматова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда виртуал реаллик технологиялари жадаллик билан ривожланиб, уларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Виртуал реаллик технологиялари кишиларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётига таъсир кўрсатиб, маданият, ахлоқ ва кадриятлар трансформациясига сабаб бўлмоқда. Бу жараён, бир томондан, инсонларнинг жамиятдан ижтимоий, маданий, руҳий бегоналашувига олиб келса, иккинчи томондан, жамият ҳаётини ривожлантириш имкониятларини кенгайтириб, инсонларнинг ҳаётий, маънавий эҳтиёжларини қондириш воситасига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги ахборотлашган жамиятда шаклланаётган янги виртуал маданият, унинг ўзига хос хусусиятлари ва виртуал реаллик ривожланиш истиқболларининг фамилиятив имкониятларини аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида виртуал реаллик муаммолари, хусусан, виртуал реаллик ва унинг ёшлар ҳаётий кадриятларига таъсири, кибермаданиятнинг мазмун-моҳияти, виртуал реалликнинг онтологик, гносеологик ва социологик муаммолари, виртуалликни комплекс ўрганишга оид илмий-амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, жамият ҳаётининг виртуаллашуви кечаётган бир даврда виртуал оламнинг инсон онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатадиган конструктив ва деструктив омилларини ўрганиш ҳамда ахборот таҳдидларидан асрашнинг янги усул ва воситалари, механизмлари ва унинг концептуал асосларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд.

Мамлакатимизда ёшлар ахборот истеъмоли маданиятини юксалтириш, уларни виртуал макондаги турли кўринишдаги таҳдидлардан асраш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Айни пайтда бутун мамлакат миқёсида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш ва бунда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш: ахборот саводхонлиги, компьютер саводхонлиги, медиа саводхонлиги, коммуникатив саводхонлик, технологик инновацияларга ижобий муносабатни шакллантириш ҳам муҳим вазифа саналади”<sup>1</sup>. Бу вазифаларни амалга оширишда ахборот тўплаш, сақлаш ва узатиш механизмларини такомиллаштириш жараёни билан боғлиқ ахлоқий мезонлар ва ижтимоий-ҳуқуқий асосларни илмий тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 191-192.

стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон, 2021 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Виртуаллик» тушунчаси антик давр ва ўрта аср файласуфлари, ёзувчи ва олимлари асарларида инсон ва жамият ҳаёти билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Антик давр фалсафасида «virtus» жасур эркак (vir) ва унинг фазилатлари – Рим фуқаролари фазилатлари (virtutes) ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Платон ва Аристотель асарларида реаллик борлиқ ва ибтидонинг ўзаро нисбати сифатида қўлланган<sup>1</sup>. Ф.Аквинский, Д.Скот, Н.Кузанский асарларида реалликнинг турли кўринишлари виртуаллик, деб талқин қилинган. Реал нарса кўпгина эмпирик сифатларга эга, виртуаллик эса шу нарсанинг барча сифатлари, деб тушунилган<sup>2</sup>.

Янги давр файласуфлари И.Кант ва Г.Лейбниц қарашларида имконият тасодифий ҳолат экани, моддий оламнинг ягоналиги талқин қилинган<sup>3</sup>. А.Бергсон виртуалликни фалсафий тушунча сифатида ривожлантирган<sup>4</sup>. А.Арто театрни тўлақонли ва мустақил реаллик сифатида талқин қилган<sup>5</sup>.

Замонавий ахборотлашган жамият тараққиётида виртуал реалликка оид фалсафий қарашлар Г.Маркузе, Ю.Хабермас, Г.Шиллер, М.Кастельс, М.Госшелльс, М.Магспюэн, Е.Масуда, Э.Тоффлер, Д.Белл, А.Урсул, Ж.Бодрийяр<sup>6</sup> каби Ғарб олимлари томонидан илгари сурилган. Д.Белл

<sup>1</sup> Платон. Собрание сочинений. 2-том / перевод с английского. М, 1993. – 341 с.; Аристотель. Сочинения: в 4 т.Т.4 / Аристотель. – М.: Мысль, 1984. – 830 с.

<sup>2</sup> Фома Аквинский. Сумма теологии. – Киев: Алетея, 2007. - 835 с; Кузанский Н. О видении Богов. – М: 1980. – 471 с; Дунс Скот. Трактат о первоначале. – М., 2001. – 182 с.

<sup>3</sup> Кант И. Антропология прагматической точки зрения. –СПб: Наука, 2000. – 471 с.; Лейбниц Г. Новые опыты о человеческом разуме. – М., 1948. – 686 с.

<sup>4</sup> Бергсон А. Опыт о непосредственных данных сознания, материя и память. – М: Московский клуб, 1992.– 336 с.

<sup>5</sup> Антонен Арто. Театр и его двойник. – М: ABCdesign, 2019. – 408 с.

<sup>6</sup> Маркузе Г. Одномерный человек: Исследование идеологии развитого индустриального общества – М: REFL book, 1994. – 73 с; Habermas J. The Structure Transformation of the Public Sphere. – Cambridge: Polity

виртуал реалликни “электрон ҳисоблаш машинасини тизимли таҳлил назариясини қўллаган ҳолда мураккаб масалаларни ечишдаги илмий асосли ва зарурий соҳалардан бири”<sup>1</sup> сифатида таърифлаган. М.Кастельс виртуаллашувнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча жабҳаларига, хусусан ёшлар маънавий-ахлоқий оламига таъсирини ўрганган<sup>2</sup>. Ж.Бодрийяр виртуал реалликни анропологик феномен сифатида тадқиқ қилган<sup>3</sup>.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари В.Бабенко, И.Корсунцев, Н.Носов, Н.Моисеев ва бошқаларнинг қарашлари «виртуал реаллик»нинг онтологик мақомини англаш имконини берди<sup>4</sup>. Н.Винер, С.Орехова, Д.Дубровский, Р.Абдиев, Д.Иванов, М.Игнатъев, В.Ковалевская ва Е.Шаповаловнинг илмий назариялари эса виртуалликнинг комплекс илмий йўналиш сифатида шаклланишига хизмат қилди<sup>5</sup>.

Ахборотлашган жамият ва виртуал реаллик билан боғлиқ масалаларнинг алоҳида жиҳатлари республикамиз олим ва тадқиқотчилари: Э.Иззетова, Б.Тўраев, Н.Шермухаммедова, М.Ёкубова, Г.Ғаффарова, А.Муминов, С.Отамуродов, А.Туляев, М.Нормамадова ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>6</sup>. Жумладан, Б.Тўраев виртуал реалликни кибернетика фанининг

---

Press, 1989. – 161 p; Шиллер Г. Манипуляторы сознанием: Пер. с англ. Засурского Я. – М: Мысль, 1980. – 326 с.; Manuel C. The rise of the network society. – London, 2010. – 597 p; Госшельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. Пер. с англ. под науч. ред. Шкаратана О.И. – М: ГУ ВШЭ, 2000. – 590 с.; Магспюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – М: КАНОН-Пресс-Ц, 2003. – 464 с.; Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. – Washington: World Future Society, 1981. – 171 p; Тоффлер Э. Третья волна – М: Издательство АСТ, 2002. – 261 с.; Урсул А. Информатизация общества. Введение в социальную информатику. – М, 1990. – 175 с.; Бодрийяр Ж. Симуляция и симулякры. – М, 2018. – 240 с.

<sup>1</sup> Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. – М: Academia, 2004. – 944 с; Белл Д. Социальные рамки информационного общества. Новая технократическая волна на Западе. Под ред. Гуревича П.С. – М: Прогресс, 1998. – 342 с.

<sup>2</sup> Кастельс М. Становление общества сетевых структур. Новая постиндустриальная волна на Западе: Антология. – М: Academia, 1999. – 494 с.

<sup>3</sup> Бодрийяр Ж. Симуляция и симулякры. – М, 2018. – 240 с.

<sup>4</sup> Бабенко В. Две книги о виртуальной реальности // Труды лаборатории виртуалистики. Вып. 3. – М., 1997. – 56 с; Корсунцев И.Г. Виртуальные реальности как философская проблема // Философские исследования. № 1. 1998. – С.79-95; Носов Н.А. Виртуальная психология. – М., 2000. – 432 с; Моисеев Н. Расставание с простотой. – М: Аграф, 1998. – 472 с.

<sup>5</sup> Винер Н. Кибернетика – М: Наука, 1968. – 328 с; Орехов С.И. Поиск виртуальной реальности. – Омск: ОмПГУ, 2002. – 184 с; Дубровский Д.И. Проблема «Сознание и мозг»: Теоретическое решение. М: «Канон+» РООИ «Реабилитации, 2015. – 400 с; Абдеев Р. Философия информационной цивилизации. – М: Владос, 1994. – 336 с; Иванов Д. Общество как виртуальная реальность // Информационное общество: Сборник. – М: Транзикнига, 2004. – 602 с; Игнатъев М. Лингво-комбинаторная картина мира и современная наука // Энилогия. 2004. № 4. Ковалевская Е.В. Компьютерные виртуальные реальности: философский анализ. Дисс. ... кан.филос.наук. – М., 1998 – 149 с; Шаповалов Е.А. Философские размышления о виртуальной реальности // Вестник СПбГУ. Серия 6. 1996. Вып. 2. (№ 13). – С.33-38.

<sup>6</sup> Иззетова Э. Информационное общество и гуманизация научного знания// Экологический вестник. №1, 2001. – С.2-4; Тўраев Б. Борлик (фалсафий таҳлил). – Тошкент, 2022. – 234 б; Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 389 с; Ёкубова М. Жамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологиялари масалалари. Дисс... фалс.фан.ном – Тошкент., 2006. –165 б; Ғаффарова Г. Ахборотлашган жамиятда террорчилик фаолияти ҳақида / «Глобал терроризм ва унинг геосиёсий ўлчами» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. 2-китоб, – Навоий, 2005, - Б.45-47; Муминов А. Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислохотлар. – Тошкент: Akademiya, 2010. 200 б; Отамуротов С.Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 456 б; Туляев А. Виртуал оламнинг ахлоқий муаммолари (фалсафий таҳлил). фал.ф.б.фал.д. (PhD) ... Автореф. – Тошкент, 2021. –44 б; Нормамадова М. Виртуалистикада постноклассик эпистемология ғоялари. фал.ф.б.фал.д. (PhD) ... Автореф. – Самарқанд, 2018. – 40 б.

маҳсули сифатида; Н.Шермухаммедова виртуал воқеликнинг белги ва хусусиятлари; М.Ёкубова эса ахборотлашган жамият тараққиётининг эпистемологик жиҳатларини тадқиқ этган. С.Отамуродов ахборотлашган жамиятнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсирини ўрганган. Г.Гаффорова ахборотлашган жамият тараққиётининг миллий ва умуминсоний кадриятлар ривожига таъсирини тадқиқ қилган. М.Нормаматова виртуалистикадаги постноклассик эпистемология ғояларини ўрганган. А.Туляев виртуал оламнинг ахлоқий муаммоларини тадқиқ этган.

Мавжуд илмий адабиётлар таҳлили кўрсатдики, ахборотлашган жамият ва виртуал реаллик турли соҳа олимлари томонидан ўрганилганига қарамай, замонавий виртуал реаллик феномени, жамият ҳаётининг виртуаллашуви шароитида кадриятлар трансформациясининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари, инновацион маконга трансформациялаш имкониятлари ва ижтимоий соҳаларда қўллаш истиқболлари фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИОТ-2014-1-41 рақамли “Ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни миллий кадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедиа ўқув қўлланмасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик феноменини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборотлашган жамиятда виртуал реалликнинг ўрни ва ролини белгилашда «ахборотлашган жамият», «виртуал реаллик», «виртуаллашув» категорияларининг диалектик табиатини илмий-методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилиш;

виртуал реалликнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари ҳамда инсоннинг онги, дунёқараши ва турмуш тарзига объектив ва субъектив таъсирини аниқлаш;

жамият ҳаётининг виртуаллашуви шароитида кадриятлар трансформациясининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини асослаш;

виртуал реалликнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари, инновацион маконга трансформациялаш имкониятлари ва ижтимоий соҳаларда қўллаш истиқболларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида виртуал реаллик феномени танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ахборотлашган жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаёти виртуаллашуви ва трансформация жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёслаш, умумлаштириш,



сабабият ва ўзаро алоқадорлик, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантикийлик, социологик сўров, математик-статистик таҳлил каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамиятнинг маънавий тараққиёт динамикаси реаллик ва виртуалликнинг ўзаро диалектик (жисмоний, техник, психологик, ижтимоий) табиати билан боғлиқлиги “ахборотлашган жамият”, “виртуал реаллик”, “виртуаллашув” категориялари асосида далилланган;

телевидение, интернет, ижтимоий тармоқ ва виртуал ўйинлар билан боғлиқ индивидуализм, эгоизм (худбинлик), эгоцентризм, зўравонлик, ахлоқий тушкунлик, бегоналашув каби деструктив омилларнинг олдини олишнинг маънавий-ахлоқий мезонлари аниқланган;

виртуал реалликнинг ижтимоий-маданий соҳалар билан интеграцияси жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш бирламчи омил экани мантиқан исботланган;

виртуал реалликнинг мулоқотни шакллантириш ва тажриба алмашишдаги имкониятлари, сунъий интеллектни яратишнинг ахлоқий жиҳатлари ҳамда таълимни инновацион маконга рақамли трансформациялаш орқали виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш истиқболлари фалсафий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

виртуал реаллик феноменининг ижтимоий-фалсафий мазмуни тизимлаштирилиб, бу йўналишдаги тадқиқотларни кенгайтириш мақсадида янги илмий ёндашувлар ишлаб чиқилган, жамият ижтимоий-маданий ҳаётини юксалтиришда улардан самарали фойдаланиш механизмлари мониторинги бўйича илмий-амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

виртуал оламнинг инсон онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатадиган омилларининг ижобий ва салбий жиҳатлари ўрганилиб, ахборот таҳдидларидан ҳимояланишнинг янги усул ва воситаларини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда чоп қилинган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик феноменини ижтимоий-фалсафий таҳлил имкониятлари кенгайтирилгани, унда илгари сурилган ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалар маънавий жараёнлар ва технологиялар, ижтимоий фалсафа, ижтимоий онг ва ижтимоий

жараёнлар социологияси, миллий ғоя тарғиботи технологияларига оид назарий материаллар бойитилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ёндашувлардан фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, музейлар, кутубхоналар, ижтимоий институтлар, Электрон ҳукуматни ривожлантириш маркази, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш тадқиқот институти, IT парклар ва оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳамда олий таълим тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик феноменини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

“ахборотлашган жамият”, “виртуал реаллик”, “виртуаллашув” ҳақидаги фалсафий қарашлар, ахборотлашган жамиятда реаллик ва виртуалликнинг диалектик табиатига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари учун “Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашиш усуллари” мавзусида туркум ўқувлар ташкил этиш ҳамда “Глобаллашув шароитида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ошириш йўллари”, “Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши кураш” мавзуларида ташкил этилган туркум тадбирларнинг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 1 апрелдаги 02/02/500-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар ахборот маданиятини юксалтириш, жамиятда мавжуд ахборот таҳдидларининг олдини олиш, виртуал технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган;

виртуал оламнинг (телевидение, интернет, ижтимоий тармоқ, виртуал ўйинлар) ижобий (ақлни ривожлантириш, билим олиш, дунёқарашни кенгайтириш, фаровонлик) ва салбий (қадриятлар ўзгариши, индивидуализм, эгоизм, эгоцентризм, зўравонлик, ахлоқий тушкунлик, бегоналашув) таъсир кўрсатиш босқичларига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ҳудудларда ўтказилган “Виртуал таҳдидларнинг ёшлар қадриятларига таъсири” мавзусидаги социологик тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 25 мартдаги 4-13-23-782-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан маънавий-маърифий тадбирлар, вазирлик ва идораларнинг ёшлар етакчилари учун ташкил этилган ўқув семинарлари, маъруза ва тарқатма материалларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

виртуал реалликнинг ижтимоий-маданий соҳалар билан интеграцияси жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлашга оид

хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сайловолди дастурининг “VI. Маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишлари” бўлимининг “6.2. Ёшларни халқимизга ёт ва янги авлод онги учун зарарли бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш” бандининг 6-хатбошиси “Ёшларни халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан, маънавий-ахлоқий шаклланиши, кадриятлари, ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотлардан ҳимоя қилиш”, 7-хатбошиси “Жаҳолатга қарши маърифат” концепцияси доирасида жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида анъанавий Ислом дини принципларини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот сценарийсини тузиш ва амалга оширишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2022 йил 15 июндаги 03/05-119-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек оиласига хос одоб-ахлоқни мустаҳкамлаш, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларга ташаббускорлик, фидойилик сингари ахлоқий фазилатларни шакллантиришга хизмат қилган;

виртуал реалликнинг мулоқотни шакллантириш ва тажриба алмашишдаги имкониятлари, сунъий интеллектни яратишнинг ахлоқий жиҳатлари ҳамда таълимни инновацион маконга рақамли трансформациялаш орқали виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш истиқболларига оид хулоса ва амалий таклиф ҳамда тавсиялардан Ўзбекистон миллий университетининг “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” мавзусидаги ОТ-Ф1-95 рақамли 2017-2020 йилларда бажарилган фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг 2022 йил 25 февралдаги 04/11-1145-сонли маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳа ижросини таъминлашга, шунингдек, ташкилот ва муассасалар виртуал қабулхоналар фаолиятини такомиллаштириш, интернет орқали ташкил этиладиган онлайн мулоқот ва семинарларни ташкил этиш, виртуал музей ва виртуал кутубхона лойиҳаларини амалга ошириш заруратини аниқлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола шундан, 6 та республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, методлари таърифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, шунингдек, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик феноменини ўрганишнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланган биринчи бобда “ахборотлашган жамият” ва “виртуал реаллик”нинг фалсафий мазмун-моҳияти, виртуал реаллик ҳақидаги илмий-назарий қарашлар ва методологик ёндашувлар генезиси, ахборотлашган жамият ва виртуал реалликнинг диалектик табиати назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобал ўзгаришлар жамият ҳаётини ахборотлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ахборот инқилоби шароитида инсон онгида ноанъанавий фикрлаш учун асос бўлаётган виртуал реаллик моделларининг шаклланиши виртуал оламнинг фалсафий асосларини ўрганишга қизиқишнинг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Ахборотлашган жамиятда содир бўлаётган бир қатор ўзгаришлар, хусусан, жамиятнинг ҳар бир соҳасига виртуал реаллик билан боғлиқ янги тушунчаларнинг кириб келиши виртуал реаллик феноменининг моҳияти ва илмий-ижодий маҳсулдорлик аҳамиятини оширади. Шу муносабат билан тадқиқотда виртуал реаллик ҳақидаги илмий-назарий қарашлар, методологик ёндашувлар генезиси ҳамда жамият маънавий тараққиётининг реаллик ва виртуалликнинг ўзаро диалектик табиати билан боғлиқлиги ўрганилди.

Бугунги кунда фанлар доирасида виртуалликни назарий тадқиқ этишнинг янги йўналишлари пайдо бўлиб, тадқиқот доираси тобора кенгайиб бормоқда. Биринчидан, виртуаллик феномени янги ва замонавий тушунча сифатида, унинг техноген табиати фанлар доирасида алоҳида ўрганилмоқда. Бундай тадқиқотларга хос бўлган умумий жиҳат виртуаллик ва реалликнинг қарама-қарши қўйилишидан иборат. Иккинчидан, виртуал реалликнинг онтологик ва гносеологик муаммолари фалсафий жиҳатдан кенг ва атрофлича тадқиқ қилинмоқда.

Ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик технологияларини қўллаш жараёни ўз миқёсига кўра методологик жиҳатдан: маҳаллий, миллий, локал ва глобал даражаларга ажратилади. Махсус адабиётларда ҳам виртуал реалликнинг хусусиятлари шу тартибда туркумлаштирилади. Умуман, виртуал реаллик муаммоси кўламига бундай ёндашув, унинг ички мураккаб боғланишлари, конкрет хусусиятлари ва ривожланиш истиқболларини

аниқлаш учун зарур илмий тамойил ҳисобланади.

Тадқиқот ишида “виртуаллик”, “виртуал борлик”, “виртуал реаллик”, “виртуал эҳтиёж”, “виртуал манфаат” категориялари ахборотлашган жамият тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари сифатида қаралди. Бу категориялар мазмунан виртуал фаолият субъектларига хос ва уларни ҳаракатлантирувчи механизм бўлгани учун ҳам бир-бирига жуда яқин тушунчалардир. Шунингдек, инсоннинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасида фарқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу, аввало, уларнинг мазмун кўламида кўзга ташланади ҳамда инсоннинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжининг инстинктив, рефлексив ва онгли даражаларида намоён бўлади.

Замонавий виртуаллик феномени инсоният хоҳлаётган келажак шакллари тушуниш ва стратегик режалаштириш зарурати билан ифодаланадиган детерминизмга эга. Виртуалликнинг замонавий кўринишининг фалсафий масаласи жамиятда инсон ролининг ортиб бориши, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини идентификация қилиш муаммосининг янги босқичга кўтарилиши билан ифодаланади. Шу боис ҳам, виртуалликнинг универсал фалсафий концепциясини яратиш мураккаб жараён бўлиб, кейинги тадқиқотлар учун муҳим объект сифатида хизмат қилади.

Виртуал реаллик тушунчасининг фалсафий мақоми инсон борлигининг учта маълум маконларига нисбатан қўлланилади: фикрий олам, кўринувчи олам ва объектив ташқи олам. “Виртуал реаллик фалсафаси” дастлаб файласуфлар томонидан эмас, балки компьютер муҳандислари, жамоат арбоблари, ёзувчилар ва журналистлар томонидан таклиф қилинган.

Фалсафий жиҳатдан, виртуал реалликнинг иммерсив, интерактивлиги ва концепциясининг хусусиятлари ҳамда виртуал реалликнинг аудитория идрокига диалектик таъсири ва аудитория психологияси ва хатти-ҳаракатларига мумкин бўлган салбий таъсирлари ўрганилади.

Айрим фалсафий ёндашувларда виртуал реаллик мезонлари, унинг билиш ва амалий фаолиятдаги роли ҳамда эҳтимоллик категорияси билан алоқадорлиги универсум ва борлик хоссалари асосида тадқиқ қилинган. Таъкидланишича, виртуалликка яқин деб ҳисобланган “эҳтимоллик” ва “потенциаллик” тушунчалари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлиб, “виртуаллик” “эҳтимоллик” тушунчасига реал олам орқали жуда яқин туради. Демак, виртуал реаллик ҳақиқий реаллик билан қарама-қарши эмас, балки унга жуда яқин бўлган эҳтимоллик ва реаллик ўртасидаги борлиқдир. Виртуал реаллик объектив дунё ҳамда инсон ақлий фаолияти ва тасаввурининг маҳсулидир.

Виртуал реаллик онгнинг муайян бир ҳолати бўлгани учун объектив реаллик ва кундалик ҳаётдан фарқланади. Худди шундай мазмунда виртуал реаллик фалсафа, социология, педагогика, психология, эстетика ва, умуман, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тадқиқ этилади. Бироқ, виртуал реаллик муаммосини ўрганишда фанлар доирасида турлича ёндашилади.

Эпистемологик нуқтаи назардан виртуал билим субъектив ҳодиса бўлиб, миянинг асл моҳиятни идрок этиш, билиш ва қайта ишлаш ҳамда шу асосда шаклланган тасвир ва кайфиятни англатади. Виртуал реалликни тадқиқ қилишда кўп ҳолларда борлиқ муаммоларига дуч келинади ва бу муаммоларни ўрганиш орқали инсоннинг ўзлиги, ақл ва ҳиссиётлари ўрганилади, пировардида, замонавий маданият негизи англанади. Шу нуқтаи назардан, виртуал реаллик глобал ўзгаришлар омиллигина эмас, балки замонавий маданий тенденциялар ифодаси ҳамдир. Шунингдек, у маданиятни назарий жиҳатдан англаш манбасидир.

Ахборотлашган жамиятда виртуал реаллик феноменининг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш орқали шу соҳадаги “виртуал реаллик” тушунчасининг категориал аппарати мазмунини фақат ижтимоий-маданий, маънавий-сиёсий вазият ва иқтисодий-инновацион омиллар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишгина виртуал реаллик ҳодисасининг моҳиятини очиб бериши мумкин.

Диссертациянинг **“Ахборотлашган жамиятда виртуал реалликни ривожлантирувчи ижтимоий-маданий тенденциялар”** деб номланган иккинчи бобида ахборотлашган жамиятда виртуал реалликни англашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, виртуал реаллик технологияларининг инсон ва жамият ижтимоий-маданий ҳаётига таъсири, ижтимоий-маданий ҳаётнинг виртуаллашуви ва кадриятлар трансформацияси каби муаммолар тадқиқ этилган.

Бугунги кунда жамият ҳаётида юз бераётган ижтимоий-маданий трансформация кўплаб муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бунда виртуал реаллик муаммоларини ҳал қилишнинг янги усул ва воситаларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда виртуаллашув муаммоларини ўрганишда дунёнинг нуфузли университет ва илмий марказлари: University of California (АҚШ), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Stanford University (АҚШ), Korea Institut of Science and Technology (Жанубий Корея), London College of Communication (Англия), Effat University (Саудия Арабистони), Институт человека РАН (РФА Инсон институти, Россия) мутахассисларининг илмий хулосаларига таянилади. Хулосаларда ҳар бир техник кашфиёт ва ютуқнинг ижтимоий-маданий трансформациясида уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали локал маданиятлар идентиклигини сақлаб қолиш мумкинлиги таъкидланади.

Виртуал реаллик илм-фан ва техника тараққиёти даражаларига мос тарзда ривожланиб, ижтимоий-маданий шароитларга мос равишда характерини ўзгартириб, ўзига хос феномен сифатида намоён бўлмоқда. Жамият тараққиётининг янги босқичида виртуал реаллик технологиялари шиддат билан ривожланиб, инсон ҳаёт тарзи ва жамиятнинг ижтимоий-маданий соҳаларини ўзгартирувчи омилга айланиб бормоқда. Натижада,

виртуал реаллик инсонларнинг ижтимоий-маданий ва шахсий ҳаётига ўзига хос таъсир кўрсатиб, маданият, ахлоқ ва кадриятларда ижобий ва салбий маънодаги ўзгаришларга олиб келмоқда.

Электрон ижтимоийлашув ҳодисаси маданият соҳасига кириб, нафақат тармоқли технологиялар, балки тармоқсиз виртуаллашув муҳитини ҳам яратади. Бугунги ҳаёт образлар маданияти ва маданиятлар образлари даври сифатида талқин қилинади. Ҳозирда мультимедиа воситалари саноати ривожланиб, бир қарашда оқибатини аниқлаш қийин бўлган виртуаллашув жараёни тобора кенгайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, виртуаллашув динамикасини тадқиқ қилиш учун унинг экзистенциал табиати, ифодаланиш усуллари, институция<sup>1</sup> босқичларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишида виртуал реаллик технологиясининг иммерсив, интерактив, концептуал хусусиятлари тадқиқ этилиб, янги ижодий платформа яратиш зарурати, виртуал реаллик ва реаллик категорияларининг маъноси ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлик масалаларини аниқлаштиришнинг долзарблиги асосланди.

Виртуал тафаккур амалиёти инсоннинг ҳис қилиш ва реакция қобилиятини реаллик ва ҳаёлий, вақт ва макон чегараларидан холи бўлиш даражасига қадар ўзгартиради, бу эса амалиёт предметини идрокда трансцендентал ҳолатга келтиради. Назарий жиҳатдан, виртуал дунё реал дунёнинг кўпгина вазифаларини ўзида акс эттиради ва инсон учун объектив реалликда мавжуд бўлмаган кўплаб имкониятларни яратади.

Виртуал реаллик технологиялари инсоннинг фикрлаш тезлигини ошириб, қобилияти, имкониятлари чексизлигини англашига имкон беради, ўз кучига ишониш туйғусини шакллантиради ва маънавий оламни англашига хизмат қилади. Шу билан бирга, жамият ҳаётини ривожлантириш имкониятини юзага келтириб, инсонларнинг ҳаётий, маънавий эҳтиёжларини қондириш воситасига айланади ва реал ҳаётда эришилмаган орзуларни виртуал оламда рўёбга чиқариш имконини беради. Моддий ва маънавий кадриятларнинг виртуал маконга трансформацияси миллий кадриятларни асраш, сақлаш ва келажак авлодга етказишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бу эса жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган “виртуал музей”, “виртуал кутубхона” каби истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш заруратини юзага келтиради. Бу лойиҳаларнинг амалий натижаси музейларга виртуал саёҳат қилиш, уларда сақланаётган маданият намуналари ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳамда виртуал кутубхоналар фондидаги нодир китоблар ва қўлёзмалар билан онлайн танишиш, масофадан туриб маълумот олиш имкони яратилишидан иборат.

Жамият ҳаётининг виртуаллашуви жараёнида ижтимоий-маданий кадриятлар устуворлигини сақлаб қолиш долзарб аҳамият касб этади. Чунки

---

<sup>1</sup> Чугунов А. Социология Интернета: социально-политические ориентации российской интернет-аудитории. – М., 2003. – С.8.

бу жараёнда тарихий, моддий ва маънавий кадриятларнинг трансформацияси кадриятлар билан боғлиқ муаммоларни юзага келтириши мумкин. Оқибатда, моддий ва маънавий кадриятларининг йўқолиб кетиш эҳтимоли юзага келиши, турли хил ғайриахлоқий иллатларнинг пайдо бўлиши, оилавий муносабатларга таъсири инсонларнинг жамиятдан узоқлашиши ва ижтимоий-маданий бегоналашувига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўпроқ ёшлар ҳаётида акс этиб, уларнинг ҳаётий кадриятлари ўзгаришига олиб келади. Натижада, виртуал олам таъсирида ўсган авлод ўз маънавий эҳтиёжларини қондириш учун катта авлод томонидан қабул қилинган анъанавий қарашлар ва кадриятларни инкор этиб, ўзини маълум бир субмаданият вакили деб ҳисоблаши мумкин. Шунинг учун ҳам инсонлар хулқ-атворини ўрганишда уларнинг маълумотлардан қайси мақсадда фойдаланаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки виртуал макондаги ахборотлар таҳлили инсоннинг хатти-ҳаракатларига турлича таъсир қилади. Бундай тартибда олинган ахборотларда ҳатто инсон хулқ-атворининг акси ҳам бўлиши мумкин. Виртуал макондаги мавжуд ахборотлар ўзида реал дунё изларини акс эттириши ва реал дунёдаги ҳар бир элементдан маълумотлар дунёсига мос келадиган намунани топиш мумкин. Бироқ бундан улар бир-бирига айнан тўлиқ мос келиши ҳақида хулосага келмаслик керак.

Хуллас, виртуал реаллик феноменини назарий билиш ва амалий жиҳатдан ўзгартиришда виртуал технологиялар базасини маънавий-ахлоқий кадриятлар билан бойитиш тақозо этилади, бу эса жамиятдаги ахборот маданиятининг сифат кўрсаткичини белгиловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Ёшлар ҳаётида виртуал реаллик технологияларининг ўрни ва улардан самарали фойдаланиш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида виртуал реалликнинг ёшлар ҳаётий кадриятларига таъсирининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари, виртуал макондаги “оммавий маданият” таҳдидларидан ҳимояланишнинг замонавий усул ва воситалари ҳамда жамиятда виртуал реаллик технологияларидан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ўрганилган.

Тадқиқотда ахборот технологияларининг ривожланиши виртуал реаллик ва инсон онги конвергенцияси тезкор ва шиддатли амалга ошишининг сабаби сифатида кўрсатилган. Бу жараёнда виртуал реаллик билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан тадқиқотларга эҳтиёж туғилади. Бундай тадқиқотлар олиб борилган ва уларда асосий эътибор ахборотлашган жамият тизимини тадқиқ этишга қаратилган бўлса-да, янгича виртуал реаллик, инсон мавжуд бўладиган янги макон ва унинг инсон хатти-ҳаракати ва онгига, айниқса, ёшлар ҳаётий кадриятларига таъсири масалалари етарлича ўрганилмаган.

Бугунги кунда жаҳонда виртуал ўйинлар бозори тез ривожланиб, бу соҳада фаолият юритаётган компанияларнинг даромади йилдан-йилга ўсиб



бормокда. Juniper Research компанияси прогнозига кўра, 2023 йилга бориб, виртуал ўйинлар бозори ҳажми 8,2 миллиард АҚШ долларига етади, бу охириги 4 йилликда 580 фоизли ўсишни англатади. Виртуал ўйинларнинг аксарияти Интернет тармоғи орқали онлайн ўйналадиган компьютер ўйинлари ҳисобланиб, ўйинларга берилиб кетиш компьютерга тобеликни келтириб чиқаради. Компьютерга тобелик олимлар томонидан 4 босқичга бўлинади: биринчи – мослашиш, иккинчи – тезда киришиш, учинчи – инсоннинг шахсий омилларига таъсири, тўртинчи – инсонлар компьютер ўйинларини ҳаётининг ажралмас бир бўлаги сифатида кўради. Компьютер ўйинларини соатлаб ўйнаш, виртуал олам ажойиботларини ҳақиқий ҳаётнинг қувонч ва ташвишларидан устун билиш охир-оқибат шахснинг инсонийлик қиёфаси йўқолишига олиб келади<sup>1</sup>. Шунингдек, виртуал қарамлик ўсмир-ёшларда лоқайдлик, худбинлик, тажовузкорлик, бекфарқлик каби иллатларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлади.

Глобаллашув шароитида ахборотлашган жамиятни ривожлантириш ижтимоий-маданий муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи механизмига айланиши ҳамда инсоннинг ахборот олишга эҳтиёжи янги асрда маънавий-маданий эҳтиёжни қондиришнинг объектив жараёни сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирда аксарият ёшлар Интернет тармоғидан янгилик билан танишиш, ахборот улашиш, илм олиш ва бўш вақтини ўтказиш мақсадида фойдаланади. Ўз навбатида, интернетдан нотўғри фойдаланиш салбий ва зарарли оқибатларни келтириб чиқаради. Интернетнинг тартибга солилмагани, фаолиятнинг махфийлиги, фойдаланиш осонлиги, чексиз аудитория ва маълумотлар етказиш тезкорлиги унинг бузғунчилар маконига айланишининг сабаблари сифатида кўрсатилади. Шунингдек, интернетдаги номақбул контентлар (зўравонлик, порнография, терроризм, экстремизм, ирқий нафрат, миллатчиликни тарғиб этиш, ўз жонига қасд қилиш, қимор ўйинлари) ёшлар онгига таъсир этиши ва интернетга қарамликнинг вақт тушунчасига эга бўлмаслиги, жавобгарликнинг йўқлиги, ижтимоий ҳаётдан узоқлашиш, ижтимоий-психологик бегоналлашув каби иллатларга сабаб бўлади.

Виртуал реалликнинг ёшлар ҳаётий қадриятларига таъсирини ўрганиш мақсадида 2018-2021 йиллар давомида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари умумий ўрта таълим мактаблари, лицейлари ўқувчилари, шунингдек, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, унинг Нурафшон ва Самарқанд филиали, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети талабалари ҳамда маҳалла ёшларидан иборат 801 нафар респондент иштирокида икки босқичли социологик тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқотда социологик сўровнома усулидан фойдаланилди. Ўтказилган

---

<sup>1</sup> Қосимов Н., Жумаев Ш., Тоғайқулов Т. Глобаллашув: оила ва фарзанд тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2016. – Б.13

